



Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённи таваллуд куни билан дилдан қўлаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, фаолиятида катта муваффақиятлар, дўст Амирликлар халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Икки мамлакат етакчилари бутун муслмон олами учун муқаддас бўлган муборак Рамазон ойининг бошлангани билан ҳам бир-бирини самимий табриклиди.

Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бугунги кунда юксак даражада чиққани катта мамнуният билан қайд этилди. 2023 йил якунига кўра ўзаро савдо ҳажми 20 фоизга ошди. Ўзбекистонда Амирликлар сармосия иштирокида 300 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди. Бундан ташқари, юқори технологиялар, энергетика, геология, қишлоқ хўжалиги, туризм, IT, инфратузилма, логистика ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Томонлар амалий ҳамкорликни барча йўналишларда фаоллаштиришга тайёр эканини тасдиқладилар. Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кун тартибидан пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рухий покланиш, яхши амалларни адо этиш, жамиятда мурувват, меҳр-шафқат ва эзгулик каби қадриятларни қарор топтиришга интилишни ўзида мужассам этган, барча муслмонлар учун муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда. Хорижий ҳамкорлар мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилақларини изҳор этиб, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёргилини тасдиқлаган.

Жумладан, куйидагилар ўз табриklarини йўллаган: Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**; Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**; Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**; Эрон Ислон Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**; Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**; Умон Султони **Ҳайсам бин Торик Ал Саид**; Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**; Бахрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад ибн Исо Ал Халифа**; Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**; Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**; Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**; Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**; "Ал-Аҳзар" мажмуаси раҳбари **Шайх Аҳмад Ат-Тойиб**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадри ватандошлар! Бутун Ер юзидаги ислом уммати билан бирга жонанон Ўзбекистонимизнинг барча мўмин-муслмонлари ҳам қутлуғ ва муборак Рамазон ойини хурсандчилик билан қутиб олдилар. Дунё муслмонлари учун энг азиз ва қадри бўлган, барча эзгу ниятлар ижобат бўладиган Рамазон шарифини кутиб келиши билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин юракдан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак эҳтиромини ва самимий тилақларини изҳор этаман. Аввало, қалбларимизга иймон нурини бағишлайдиган ушбу улғу айёмни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳитида, оиламиз, эл-юртимиз даврасида қутиб олаётганимиз учун Парвардигори оламга чекиз шукроналар айтмиз. Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз муслмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. "Исон қадри – улғу" деган олижаноб тамойилимиздан келиб чиққан ҳолда, мазкур фазилатли ойда халқимиз манфаатларини таъминлаш, еш авлодимизни билим-маърифат, яхши хулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томон-

лама қўлаб-қувватлаш, жамиятимиз, эл-юртимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадимчи ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган савобли ишларимиз янада зиёда бўлади, деб ишонамиз. Зеро, ҳадиси шарифларда зикр этилганидек, **бу ойда қилинган биргина яхшилик ўн қарра нуқот бўлиб қайтади**. Минг афсуски, бугун дунёнинг бир қанча минтақаларида нотинчлик, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар содир бўлмоқда, беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Биз бутун халқимиз билан бирга яратган Эгамдан дунёда тинчлик ва осойишталик қарор топишини, гўзал диёримиздаги тинч-осуда ҳаёт бардавон бўлишини чин дилдан сўраб, Қадр кечаларида илос билан дуолар қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шукли лаҳзаларда дунё мўмин-муслмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни муқаддас Рамазон ойи билан самимий қўлаб, уларнинг давлатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, раванқ ва фаровонлик тилаймиз. Рамазон шариф эл-юртимизга қут-баракат, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик, янги ютуқ ва омадлар олиб келсин! Рамазон ойи яна бир бор барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...



ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАН, ДЕЙИЛГАНИ БИЛАН НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Кўйсангчи, беш-олти сотих томорқадан даромад қилиб бўладими? Кафтдек жой – дарвозадан шошиб кирсанг адоқдаги деворга пешонанг тегиб кетади. Уни эк, бунни парвариш қил, дейиш осон. Кимдир натижа кўрсатдими, чўнтаги пул кўрдими?

Бир-икки йил аввал бу каби эътирозли саволларни берувчилар талай эди. Кейинги йилларда ҳар бир маҳаллада томорқадан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, ер эгаларига тадбиркорлик учун қўлай шароитлар яратиш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Лекин бу борада ҳали қилиниши керак бўладиган ишлар кўп, ишга солинмаган янги захиралар етарли. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни мавсум олдида қишлоқ хўжалигига доир чора-тадбирлар муҳомадаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

Йиғилишда томорқаларда кооперация асосида маҳсулот етиштириш қўлаб-қувватланиши қайд этилди. Этиборлиси, бундай мақсадларга юз миллион сўмгача гаровсиз, бир юз эллик миллион сўмгача гаров таъминоти пасайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Техника миришкорнинг қаноти дейилади. Шу жиҳатини инобатга олган ҳолда, фермер ва деҳқонларга зарур техникалар "Узагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан ўн йил муддатга уч йил имтиёзли давр билан лизингга берилади. Четдан олиб келинадиган мотокультиватор ва минитракторларга боғхона имтиёзи уч йилга узайтирилади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иссиқхона майдонлари кўпайди. Бу, ўз навбатида, уларда етиштирилган маҳсулотлар ҳажми уч баробар кўпайганини кўрсатмоқда. Иссиқхона ташкил қилиш, уни иситиш осон

эмас. Аҳамиятлиси ҳозирги кунда кам-харж, ёқилғисиз иситиладиган иссиқхоналар оммалашмоқда.

Мамлакатимизда бу тажриба ҳамиса маъқулланади. Уларнинг сонини кўпайтириш, зарур ҳолларда деҳқонларга тайёр ҳолда қуриб бериш чоралари ҳам кўрилади.

Хоразм вилояти Хива туманидаги Истиклол маҳалласи аҳолиси томорқадан самарали фойдаланишнинг янги усуллари ҳаётга татбиқ қилмоқда.

Масалан, 48-уйда яшовчи Собиржон Матжонов хонадонига яқинда давлат раҳбари ташриф буюрди. Оила бошлиғи



қишлоқ хўжалиги илмини яхши билади. Турмуш ўртоғи Зулайхоҳон билан тўрт фарзандни вояга етказди. Хонадон соҳиблари мўъжазгина томорқада иссиқхона қуриб, қулпнай етиштиради.

Президент ташрифидан сўнг улар билан суҳбатлашди.

– Ховлимизга хорманлар деб Президент кириб келди, – деди Собиржон Матжонов ўЗА мухбири Иқром Аввалбоевга. – Жуда самимий суҳбатлашдилар. Шунингдек, уй шароитида балкичкикни йўлга қўйганмиз. Парвариш қилинаётган паррандаларимиз, юздан ортиқ товуқ ва мингга яқин бедана оиламизга қўшимча даромад келтирмоқда. Одам яхши иш

билан банд бўлса, кераксиз ишлар билан вақтини ўтказмайди. Оиламиз тинч, дастурхонимиз тўқин. Бугун бундай ҳаётни қуриш учун кўп нарсга керак эмас. Фақат давлат томонидан берилётган имкониятлардан оқилона фойдаланса бўлди.

Истиклол маҳалласида 3 минг 200 нафарга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда 10 та ишлаб чиқариш корхонаси, 30 га яқин хизмат кўрсатиш шохобчаси, ёндош ҳудудда фермер хўжалиқлари мавжуд. Одамлар асосан деҳқончилик билан шуғулланади.

Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан индивидуал ишлаш тизими самара бермоқда. Бу ерда ҳам ишчиларга деҳқончилик учун ер бериш таъминоти кенг қўлланилмоқда. Ишсиз аҳолини доимий ва мавсумий ишларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган эса яхши самара бераётганини таъкидлаш лозим.

Аслида, аҳолига шунчаки ер берилгани билан, томорқадан самарали фойдалан дейилгани билан натижага эришиб бўлмайди. Одамлар турмуш-тарзини яхшилаш бўйича бугун янги тизим ишлаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги фармонида мувофиқ, маҳалла институтининг жамиятимизда ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатидаги роли оширилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрданчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат "маҳалла еттичилиги" ташкил этилди.

Ушбу тизим вакилларининг самарали фаолияти, ҳамжиҳатлиги ўз сўзини айтмоқда. Бунда куйи бўғиндаги давлат вакиллари ўзларига берилган ваколатдан фойдаланиб, одамларни рози қилиш йўлида самарали ишламоқда. Бугун ҳар бир маҳалла ҳақида тахлиллий маълумотлар бор, масалаларни ечиш бўйича индивидуал дастурлар ишланмоқда.

ҚУРИЛИШДА ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Кейинги йилларда қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмлари шакллантирилиб, соҳага рақамли технологиялар жорий қилинди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлган каби Наманган вилоятида ҳам кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудларни шахарсозлик жиҳатидан ривожлантириш жараёнида жамоатчиликнинг самарали иштироки ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг шаффофлиги таъминлангани, сифат ва хавфсизлиги оширилгани шулар жумласидандир.

Мухбиримиз Муҳиддин МАҒЗУМОВ мавзу юзасидан Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Дониёр АЛИМОВ билан сўхбатлашди.

– Айтилганда вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ва уларнинг сифатини таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Вилоятимизнинг геологик, табиий иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шахарсозлик нормалари ҳамда қондалари камида 50 фоиз даражада халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштирилади. Мухими, келгуси йилда шаҳарларнинг барчаси ва шаҳар посёлкаларнинг 25 фоизи бош режалар билан қамраб олинади. Шу ўринда, аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тўрт босқичда амалга ошириладигани алоҳида таъкидлаш жоиз. I босқич – фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш муддатлари, жойи ва тартиби билан таништириш, II босқич – аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (ашовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий сўровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш, III босқич – жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш, IV босқич – жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш.

Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан жамоат экспертизаси амалга ошириляпти.

– Лойиҳалардан четга чиқки ҳолатларини бартараф этиш мумкинми?

– Афсуски, бундай ҳолатлар ҳам учраб туради. Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тартиби тасдиқланган.

Икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олманган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилиши белгиланди. Объектларда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилди. Узгартрилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан қурилаётган бино ва иншоотларнинг қаватлари сонини (лойиҳа ҳужжатларини ўзгартариш йўли билан) кўпайтириш тақиқланади. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий экспертиза хулосаси эксперт ташкилот томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги "Эксперт хулосаларининг ягона реестри"га киритилгандагина ҳақиқий, деб тан олинади.

Қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи "Огоҳ фуқаро" электрон тизими каби қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

– Бу вазиятда инспекциянинг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари олдига қатор вазифалар қўйилди. Буларнинг ижросини таъминлашда юзга келаётган муаммолар ва ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни қайд этиш бўйича берилган тақлифлар асосида шахарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини

такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқматнинг айрим қарорларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тақлифи илгари сурилди. Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шахарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқматининг айрим қарорларига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рухсат олинмасдан қурилган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун рухсатнома беришни бекор қилиш белгиланди. Асосий мақсад, ҳар ким ўзбошимчилик билан қурилиш қилишига йўл қўймасликдир.

2024 йил 1 апрелдан ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларни фойдаланишга топширишга рухсат берилмайдди. Яъни, фуқаролар ва қурувчи ўртасида келиб чиқётган низолағар барҳам берилди. Қарорда 2024 йил 1 мартдан лойиҳалаштириш ва қурилишнинг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар ҳамда шахарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахслар учун назорат қарор билан белгиланган лицензия ҳамда аккредитация талаб ва шартлари кучга кириши белгилаб қўйилди.

– Қарор билан яна қандай муҳим ўзгаришлар киритилган ҳақида батафсил маълумот беришгиз.

– Юқоридагилардан ташқари, яна бир қатор ўзгариштириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, чет эл юридик шахсларига (доимий муассасаси мавжуд бўлган) лицензия бериш тартибини жорий этиш, аризаларни қўриб чиқиш муддатларини 5 - 10 кунгача қисқартириш, ҳодимлар маълумоти, сони ва иш стажига бўлган талабларни қучайтириш шулар жумласидандир. Шунингдек, шахарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилишда олий маълумотга эга мутахассисларнинг асосий иш жойи бўйича фаолият юритиш талаби белгиланди. Эксперт хулосаси "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида киритилди ва шахарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда манфаатлар тўқнашувининг олди олинади.

– Рўйхатдан ўтказилмай қурилаётган биналарга қандай чоралар қурилади?

– Қарорга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда (рухсат олинмасдан) қурилган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун рухсатнома берилмайдди. Яъни, бунда қо-

нунчилик ҳужжатлари, давлат стандартларининг айрим қарорларига ўзгариштириш ва қондалари талабларига риоя этилиши мажбурийдир. Шу ўринда, аккредитация қилишнинг талаб ва шартларини ҳам таъкидлаш зарур. Буларга муассислар ва (ёки) экспертиза органлари бенефициарлари таркибида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари бўлмаслиги, мулкий ҳуқуқ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида экспертиза органи фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли биналар ва иншоотлар, техник-технологик ва аппарат-дастурий воситаларнинг мавжудлиги кирди.

– Самардорликка эришишда илмий ва малакали мутахассислар ҳал қилувчи омил эканлиги қандай равшан. Бу шартларга риоя қилинмаслиги нункинми?

– Шу ўринда қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартларга ҳам аниқлик киритиб ўтиш керак. Масалан, талабгорнинг штатида қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш бўйича лойиҳалаштириш ишларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган 6 нафардан кам бўлмаган сертификатланган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис, 2 нафар архитектор ва қурилиш ечимлари бўйича (архитектор, конструктор), 1 нафар смета (баҳолаш) бўйича, 1 нафар ёнги хавфсизлиги бўйича, 1 нафар муҳандислик тармоқлари бўйича ҳамда 1 нафар энергия самардорлиги бўйича мутахассиснинг айна шу ташкилотда асосий иш жойи сифатида мавжуд бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилотлари томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги "Эксперт хулосаларининг ягона реестри"га мажбурий киритилиши шарт.

Шунингдек, эксперт тайинлашишда бевосита ёки билвосита иштирок этган лойиҳалар юзасидан ёхуд эр (хотин) ва (ёки) бошқа яқин қариндошлар иштирокида бажарилган лойиҳалар юзасидан экспертиза ўтказмаслик, шахарсозлик фаолиятининг субъектлари билан меҳнатга оид, молиявий жиҳатдан ва (ёки) бошқа тобелик муносабатларида бўлмаслик, лицензияланган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини айнан ушбу ташкилот томонидан экспертизадан ўтказмаслик талаб қилинади.

Хулоса ўрнида айтилган бўлсақ, бундай шахарсозлик ишларини олиб боришдан асосий мақсад – фуқароларнинг замонавий ва мустақкам уй-жойга бўлган талабларини қондириш ҳамда энг асосийси, уларни рози қилишдан иборат.

– Мазмуни сўхбатнинг учун ташаккур.

ЯНГИ МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Района Хўжаева, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов маълум қилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида Урбанизация ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика Маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳўш, ушбу Марказни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад нима?

Маъмур муассаса аҳоли пунктларининг шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бу юртмачи вазифасини бажариши билан бир қаторда, давлат шахарсозлик кадастрини ва шахарсозлик геоахборот тизимини ҳам юритилади. Бунга қадар шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги бу юртмачилик ҳар бир ҳудуднинг ўз зиммасида бўлган ҳамда бунда ягона координация мавжуд эмас эди. Эндиликда Урбанизация ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика Маркази "Тошкент-бошлангилити", "УшшахарсозликЛИТИ" ва "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" каби бош лойиҳа институтлари томонидан шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини мувофиқлаштириди. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ишлар нархларини иқтисод қилиш, уларнинг сифати ва муддати каби масалаларни назорат қилади.

Шунингдек, ушбу Марказ бош лойиҳа институтлари томонидан тайёрланган шахарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда қабул қилиб, уларни ижро этиш ва амалга ошириш учун ваколатли органларга ҳамда шахарсозлик фаолияти иштирокчиларига тақдим этиди. Қолаверса, унинг асосий вазифаларидан яна бири – шахарсозлик ҳужжатларини dshk.uz тизимида, яъни геопорталга жойлаштириб боришдан иборат. Хусусан, Давлат шахарсозлик кадастри ва шахарсозлик геоахборот тизимини юритиш бўйича бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган ва тақомилга етказилаётган ҳужжатларни геопорталга киритиб борилишини назорат қилади.

Шу билан бирга, "Давлат шахарсозлик геоахборот тизими" ишлаб

чиқилган, шахарсозлик бошқаруви ва урбанистик соҳаларда фаол қўлланилади. Қолаверса, ушбу тизим ҳудудлар ривожланишини режалаштириш, янаша лойиҳаларни, транспорт воситаларининг йўли, инфратузилма, яшил зоналар ва кўп йиллик қурилишларни таҳлил қилишда катта ёрдам беради. Бундан ташқари, архитектура ва қурилиш соҳасидаги тасвирий маълумотлар, таҳлил,

режалаштириш ва мониторинг жараёнларида геоахборот тизимининг аҳамияти катта.

Бу тизим қурилиш соҳасидаги ўзгаришларни акс эттиради ва бошқаришга ёрдам беради. Шунингдек, Марказ "Менинг ҳудудим" платформаси орқали аҳоли пунктларининг шахарсозлик ҳужжатлари ва мастер режаларини ишлаб чиқишдаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда овоз бериш жараёнини ҳам мувофиқлаштириб боради. Янаям аниқроқ айтилган бўлса, ушбу масалаларни аҳоли билан муҳокама қилиш механизмининг жорий этиди ва ижроси бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради. Бу борада манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан тўпланган маълумотлар маҳаллалар кесимида рақамлаштирилиб, платформага киритиб борилади. Платформа ҳудудларда фуқароларга қулай муҳитни комплекс шакллантириш, шахарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

"Менинг ҳудудим" платформаси ишга тушган, ҳар бир ҳудуд ва маҳаллалар кесимида очик статистик маълумотлар киритиб борилади. Масалан, ҳудуд харитаси, ҳудуднинг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги манзилли дастур, ҳудуддаги суғориладиган ерлар ва шахарсозлик фаолияти учун мўлжалланган ер майдонлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳудуд ва чегаралари, саноят корхоналарининг рўйхати, аҳолининг демографик ва меҳнат ресурслари кўрсаткичлари, шунингдек, ҳудуддаги ижтимоий соҳа, инфратузилма, транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва бошқа турдаги маълумотлар ушбу платформага жойлаб борилади.

Умуман олганда, Урбанизация ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш республика Маркази шахарсозликка оид бошқарувда жамоатчилик назоратини ташкил этиши борабариди, ортиқча овозгарчиликка барҳам бериш, ҳудудларни режалаштиришда маҳаллий аҳамиятга эга тизим сифатида соҳада анги тараққиёт босқичига эришиш омилли бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ерқонунбузарлик ҳолатлари жойнинг ўзида электрон расмийлаштирилади

Жорий йил 1 мартдан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг синов тарихида ерқонунбузарлик ҳолатлари жойнинг ўзида электрон расмийлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъмат Атамуратов маълум қилди.

Таъкидлашчи, ер қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишда самарали давлат назоратини амалга ошириш мақсадида Кадастр агентлиги томонидан "Е-ер назорат" дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур назорат тадбирларини амалга оширишда ортиқча қоғозбозлик ҳамда эҳтимолий коррупцион ҳаракатларнинг олди олиш, ер қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашдан то бартараф этишгача бўлган жараёнларни мониторинг қилиб бориш, ерга оид қонунбузилишлар ва уларни бартараф этилиши тўғрисидаги статистик маълумотларни автоматлаштирилган электрон ҳисобини юритиш, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш, ерлардан мақсадсиз фойдаланиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз муддатига муружаат қилмаслик ҳолати бўйича манзилли маълумотлар базасини яратиш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда "Е-ер назорат" дастури Олий суд, Бош прокуратура, МИБ, ИИБ, "Ўзбекосмос" ва "Ўзбекистон почтаси" каби бир қатор идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишлари якунланиш жараёнида. Шунингдек, Кадастр агентлиги томонидан давлат ер назорати тадбирларини амалга оширишга мўлжалланган 790 дан ортиқ махсус планшетлар ер назоратчи инспекторларга етказилди.

– Жорий йил 1 мартдан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг синов тарихида назорат тадбирларини планшетадан фойдаланиб, ерқонунбузарлик жойининг ўзида электрон расмийлаштириш ишлари йўлга қўйилди, – деди Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъмат Атамуратов. – Синов натижаларидан келиб чиқиб, 2024 йилнинг май ойидан бошлаб республика бўйича давлат ер назорати тадбирларини махсус планшет ва боди камерадан фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилган. Ушбу планшет ва боди камералар орқали ўтказилган ер назорати тадбирлари "Е-ер назорат" автоматлаштирилган ахборот тизими асосида ишлайди ҳамда ҳуқуқбузарликни аниқлашдан бошлаб тегишли чоралар қўрилишига қадар бўлган барча жараёнлар электрон шаклда расмийлаштирилади ва назорат тадбирларини ҳар бир босқичи тегишли тартибда мониторинг қилиб борилади.

Фуқаролар ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва у ерга ноқонуний қурилмалар қуриш ҳолатлари юзасидан Кадастр агентлигининг 1097 қиска рақами ёки kadastr.uz сайти орқали хабар беришлари мумкин. Қайд этилган ва ўз тасдиғини топган ҳар бир ҳолат "Е-ер назорат" дастурига киритилди ҳамда ижроси ҳам дастур орқали назоратга олинади.

Xalqaro ilmiy-tadqiqot Kongressi bo'lib o'tdi



Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetida xorijiy universitetlar hamkorligida "Ipak yo'li III" xalqaro ilmiy-tadqiqot Kongressining yalpi majlisi va sessiyalari bo'lib o'tdi.

Ma'lumki, Buyuk ipak yo'li qadimdan Sharq va G'arb mamlakatlarini o'zaro mustahkam aloqalarining ramzi hisoblanadi. Ushbu transkontinental karvon yo'li 10 ming kilometrlarga cho'zilgan bo'lib, Sharq mamlakatlarini O'rta yer dengizi bilan bog'lagani bilan ham ahamiyatlidir. Albatta, Ipak yo'li tufayli nafaqat noyob savdo mollari yetkaziladi, balki keng ko'lami bilim, madaniyat, texnologiya almashinuvi, diplomatik aloqalar ham amalga oshirilgan.

Kongressning ochilish marosimida Samarqand viloyat hokimi o'rinbosari Rustam Qobilov, Turkiyaning Samarqandagi bosh konsulxonasi rahbari Salih Janer, Ipak yo'li xalqaro turizm va madaniy meros universiteti prorektori Dr. Juliboy

Eltazarov, Ukraina ilmiy tadqiqotlari instituti IKSAD Turkiya Oliy komissiyasi a'zosi Dr. Mykola Vaskiv hamda SamDAQU rektori Dr. Chidem Turkiyilmaz tabrik so'zga chiqib, Kongress ishiga omad tiladilar.

Mazkur xalqaro Kongress faoliyatida O'zbekiston, Ozarbayjon, Turkiya, Qozog'iston, Slovakiya va Ukrainaning qator oliy o'quv yurtlari va ilmiy muassasalarining professor-o'qituvchilari, doktorant va magistrantlari ishtirok etishdi.

Xalqaro ilmiy-tadqiqot Kongressi doirasida tashkil etilgan ilmiy-nazariy anjumanidan ko'zlangan maqsad – oliy ta'lim tizimini kompleks rivojlantirish, amalga oshirilayot-

gan islohotlar, yangilanish va o'zgarishlarning faol ishtirokchisi-mutaxassis kadrlar tayyorlashda ijtimoiy fanlarning ishtiroki, turgan o'rni, mavqei va ahamiyatini aniqlab olishdan iborat. Yalpi majlis va bir nechta sessiyalardan 50 dan ortiq ma'ruza tinglandi. Bu borada soha mutaxassislari, yetakchi olimlar va ilmiy tadqiqotchilarining ilmiy mulohazalari, taklif hamda tavsiyalarini o'rganish asosida xulosa va qarorlar qabul qilindi. Ijtimoiy fanlarning ta'lim-tarbiyaviy samaradorligini oshirishda ulardan ijodiy foydalanish maqsad qilindi.

Kongress hamkor oliy o'quv yurtlari, jumladan, Igdri universiteti (Turkiya), Iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy tadqiqotlar instituti (Turkiya), Naxchivon davlat universiteti (Ozarbayjon), Ozarbayjon davlat iqtisod universiteti (Ozarbayjon), Baku Yevroosiyo universiteti (Ozarbayjon) hamkorligida tashkil etildi.

O'z muxbirimiz.



Бунёдкорлик ишлари янги босқичда

Фарҳод БАҲРОНОВ, "Навий кон-металлургия комбинати" АЖ бош директорининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

Навий кон-металлургия комбинати фаолиятида Инвестиция дастури алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар йили бундай дастур асосида истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Кейинги йилларда янги гидрометаллургия заводлари, конлар, энергетика тармоқлари, темир йўл линиялари, ижтимоий объектлар ишга туширилгани қорхона учун янгида янги имкониятлар яратди. Жорий йилда ҳам бу каби бунёдкорлик ишларини давом эттирган ҳолда, катта марралар мақсад қилинган.

Комбинатда бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда қурилиш соҳаси вакилларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Уларнинг меҳнати билан кейинги йилларда замонавий иншоотлар, жумладан, 3 та янги гидрометаллургия заводи, 2-гидрометаллургия заводи иккинчи навбати, 82,4 километрлик темир йўл ва бошқа объектлар барпо этилгани фикримизга яққол мисолдир. Қорхона раҳбарияти эътибори ва қўллаб-қувватлаши ҳаммасларимизни мана шундай хайрли ишларга янада руҳлантирмоқда.

Қурувчиларимиз ҳар қандай машаққатлардан чекинмай сўнгги етти йилда кон-металлургия тарихида улкан ишларни амалга оширганини, барпо этган бунёдкорлик намуналари бугун юртимизга рақибсиз хизмат қилаётганини фахр билан таъкидлаш жоиз. Бу ишлар осон бўлгани йўқ. Бу давр биз учун катта тажриба-синов бўлди. Ҳоҳ йирик, ҳоҳ кичик бўлсин, ҳар қандай лойиҳани бажариш чуқур билим, мустаҳкам ирода талаб этади.

Бугунги кунда комбинатда Капитал қурилиш, Инвестициялар, Зарафшон қурилиш ҳамда унинг тасаруфидида 3 та қурилиш-монтаж бошқармаси ва 1 та қурилиш трести, кон бошқармаларида қурилиш бўлим ва участкалари мавжуд бўлиб, уларда турли миллат ва эл вакилларидан таркиб топанг 2,6 миң нафардан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Улар орасида ҳақон меҳнати ортдан ҳурмат-эътибор топган, давлатимизнинг юксак мукофотлариغا сазовор бўлганлар, ўз касбининг ҳақиқий эгалари, моҳир қурувчилар, муҳандислар, оддий касб эгалари ҳам бор.

Ҳаммасларимиз фидокорона меҳнатлари билан барчасини удалаб, нимаюларга қодирлигини, халқимиз бежизга "Кўз кўрмоқ, қўл ботир" демаганини амалда исботлашди. Бунинг натижасида, Қизилқум кенгликларидида замонавий иншоотлар қад ростлади. 2017 – 2023 йилларда Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ишлар комбинат солномасида янги саҳифа очди. Бу ютуқларнинг барчаси аниқ натижалар бўлиб, жамоамиз меҳнати, фидоийлиги эвазига амалга оширилди. Юртдошларимиз ва соҳанинг хорижлик вакиллари кўпмиг кишилик жамоамиз ишига, қурилиш соҳасидаги ютуқларига тан бермоқда ва бу йўналишларда анча илгарилаб кетганимизни айтишмоқда.

Агарда, 2023 йилда амалга оширилган ишларимиз сарҳисобига тўхтайдиган бўлсак, Инвестиция дастури доирасида 12 та лойиҳа бўйича белгиланган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, режа 116,8 фо-



изга бажарилди. Бу лойиҳаларни молиялаштириш халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг ҳисобига қиймати 542,1 млн доллар бўлган 5 та объект фойдаланишга топширилди. Жумладан, "Пистали" қонида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш (6-ГМЗ) лойиҳаси тулик қувватда топширилгани, шу билан бирга, "Нурота худудида ва "Пистали" қонида ташқи электр энергиясининг тармоқ иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш" ҳамда "Балпантоғ" ва "Томдибулоқ" конлари негизда қазиб олиш қариери қуриш ва "Турбай" конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш" каби инвестицион лойиҳалар амалга оширилгани жамоамизнинг фидокорона меҳнати махсусидир. Бу лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши натижасида 2748 та янги иш ўрни яратилди.



Излаган имкон топар, деганларидек биз ҳам қурилиш соҳасида изланишдан тўхтаганимиз йўқ. Маблағларни иқтисод қилиш мақсадида, янгидан-янги имкониятларни излаб топаяётганимиз қорхонага фойдала келтирмоқда. Бунинг натижасида 25 турдан ортиқ қурилиш материаллари, жумладан, темир-бетон, металл конструкциялар, гипс, қурилиш қуми, оҳак, шағал, эшик-ромлар, полиэтилен қувурларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бу эса қурилишлар сифатли, мустаҳкам, таннархи арзон бўлишини таъминламоқда. Кейинги етти йилда 859,1 млрд сўмлик қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга эришдик. Ваҳоланки, илгари бу каби қурилиш маҳсулотлари четдан олинар, баъзи ҳолларда материаллар ўз вақтида етиб келмаслиги ишининг барқарор, қурилиш жараёнининг бир маромда боришига таъсир этарди.

Эл орасида "Иш қулорини соз бўлса, машаққатинг оз бўлур", деган халқона нақл бор. Бу, бежиз

Зарафшон шаҳрида Фавворалар сайилгоҳи, Зарафшон шаҳрида 100 ўринли имконияти чекланган ногирон болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаси, 504 ўринли ихтисослаштирилган мактаб-интернати, Учқудуқ туманида "Олтинқўл" дам олиш мажмуаси, "Тудакўл" дам олиш базасида Халқаро шахмат мактаби ва бошқа қўллаб-қувватланган объектлар топширилди. Бундан қончиларимиз, халқимиз чексиз баҳраманд бўлишмоқда.

Бу йилги режалар аниқда улкан. Хусусан, 2024 йилда Инвестиция дастури доирасида 12 та лойиҳа бўйича белгиланган капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ва буни халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилда ушбу дастур доирасида қиймати 590,8 млн доллар бўлган 3 та лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 2024 йил якунигача 584,0 млн доллар қийматга эга яна учта лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Бунинг учун комбинатимиз барча имкониятларга, замонавий қурилиш ташкилотлари, техникалари, ишчи кучи, моҳир қурувчиларига эга.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ҳар бир соҳанинг фидоилари, жонқурлари бўлади. Бугун сафимизда бутун умрини комбинатга, қурувчилик касбига бағишлаган фидоилар қўллаб топилди. Улар меҳнати доимий эътиборда бўлиб, ўз рағбатини топиб келаяпти. Кейинги йилларда бир неча ҳаммасларимиз давлатимизнинг турли ордени ва медаллари билан тақдирланган, ултар сафидида комбинатнинг заҳматқаш қурувчи-муҳандислари, жумладан, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи" фахрий унвонига сазовор бўлган Али Эшонқулов, "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланган Неймат Рузиев ва Ваҳтанг Капанадзелар борлиги комбинат қурувчиларининг фидокорона меҳнатида берилган муносиб баҳодр.

Бугунги шиддатли давр бизнинг олдимизга янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Хусусан, 2030 йилгача белгилаб берилган аниқ режалар асосида ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур. Ишонч билан айта оламаники, ўз касбининг чинакам устаси бўлган моҳир қурувчи ва мутахассисларимиз, биз билан бир сафда меҳнат қилаётган турли касб эгалари ўзларининг бутун куч-ғайрати, билим ва тажрибасини улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун сафарбар этаверадилар.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "ALBATROS-KREDIT LOMBARD" МЧЖнинг 2024 йил 7 мартдаги 10-сонли ариза бюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод туманида фаолият юритувчи хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 21 ва 28 ноябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-навзе, 2-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	2290	Серьги; қолцо, о.в. 5,79 гр., ч.в. 4,80 гр., 583 пр.	2 620 158,00
2.	2292	Қолцо; қолцо; браслет, о.в.10,69 гр., ч.в. 9,74 гр., 583 пр.	5 119 908,00
3.	2350	Қолцо; серьги, о.в. 9,39 гр., ч.в. 6,79 гр., 583 пр.	3 149 868,66
4.	2427	Қолцо; қолцо; қолцо; қолцо, о.в.14,27 гр., ч.в.11,80 гр., 583 пр.	6 286 458,00
5.	2505	Қолцо, о.в. 2,50 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.	787 008,00
6.	2581	Серьги, о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр.	1 302 108,00
7.	2952	Серьги, о.в. 2,86 гр., ч.в. 2,66 гр., 585 пр.	1 597 533,00
8.	2965	Браслет; серьги; цепь, о.в. 25,28 гр., ч.в. 23,14 гр., 585 пр.	11 054 106,44
9.	3002	Серьги; қолцо, о.в. 7,59 гр., ч.в. 7,42 гр., 585/583 пр.	3 817 008,00
10.	3061	Кулон; цепь, о.в. 7,42 гр., ч.в. 6,70 гр., 583 пр.	3 817 008,00
11.	3065	Цепь; цепь, о.в. 38,67 гр., ч.в. 38,67 гр., 583/750 пр.	20 130 006,84
12.	3091	Қолцо; қолцо; серьги, о.в. 9,93 гр., ч.в. 8,99 гр., 583 пр.	4 890 840,00
13.	3128	Қолцо; қолцо; серьги, о.в.7,50 гр., ч.в. 7,10 гр., 583/585 пр.	4 059 408,00
14.	3142	Қолцо, о.в.2,41 гр., ч.в. 2,41 гр., 585 пр.	1 438 458,00
15.	3163	Қолцо, о.в.7,71 гр., ч.в. 7,20 гр., 585 пр.	3 756 408,00
16.	3390	Қолцо, о.в. 2,99 гр., ч.в. 2,99 гр., 583 пр.	1 635 408,00
17.	3576	Серьги, о.в. 6,19 гр., ч.в. 5,00 гр., 583 пр.	2 877 708,00
18.	3692	Браслет; серьги; қолцо, о.в. 9,20 гр., ч.в. 9,20 гр., 583 пр.	5 210 808,00
19.	94	Серьги; серьги; серьги, о.в. 8,08 гр., ч.в. 6,68 гр., 583 пр.	3 453 408,00
20.	206	Қолцо, о.в.13,41 гр., ч.в. 13,21 гр., 583 пр.	6 414 913,84

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
21.	237	Серьги; қолцо; серьги; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; серьги; қолцо, о.в. 50,72 гр., ч.в. 43,92 гр., 583 пр.	19 207 105,20
22.	250	Цепь; қолцо; қолцо; серьги; серьги; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо, о.в. 30,22 гр., ч.в. 26,05 гр., 585/583 пр.	12 536 176,40
23.	252	Серьги; қолцо, о.в. 9,79 гр., ч.в. 8,78 гр., 583 пр.	4 180 608,00
24.	316	Цепь, о.в. 5,88 гр., ч.в. 3,50 гр., 583 пр.	1 862 658,00
25.	371	Қолцо; серьги; қолцо; қолцо, о.в. 15,98 гр., ч.в.14,29 гр., 583 пр.	7 134 858,00
26.	400	Цепь; серьги; қолцо, о.в.27,19 гр., ч.в. 26,30 гр., 583 пр.	13 225 158,00
27.	607	Браслет; браслет, о.в. 17,26 гр., ч.в. 17,26 гр., 583 пр.	8 134 758,00
28.	661	Серьги, о.в. 4,68 гр., ч.в. 3,88 гр., 583 пр.	1 982 040,00
29.	1022	Браслет, 750 пр.; қолцо; қолцо, 583 пр.; қолцо; серьги; цепь, 583 пр., о.в. 37,03 гр., ч.в. 35,19 гр.	15 726 099,80
30.	1108	Серьги, о.в. 5,20 гр., ч.в. 4,00 гр., 583 пр.	2 120 208,00
31.	1148	Қолцо; қолцо; цепь; браслет, 583 пр.; цепь, 583 пр., о.в. 45,70 гр., ч.в. 43,00 гр.	20 103 469,10
32.	1161	Серьги; қолцо; серьги; қолцо; қолцо, о.в. 16,01 гр., ч.в. 10,38 гр., 583 пр.	4 774 163,80
33.	1179	Қолцо, о.в. 4,58 гр., ч.в. 4,58 гр., 375 пр.	1 408 157,00
34.	1184	Кулон, о.в. 8,17 гр., ч.в. 7,80 гр., 583 пр.	4 013 957,00
35.	1271	Қолцо, о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,70 гр., 583 пр.	1 938 407,00
36.	1316	Цепь, о.в. 4,09 гр., ч.в. 4,09 гр., 583 пр.	2 165 657,00
37.	1395	Браслет; серьги; серьги, о.в. 6,84 гр., ч.в. 6,50 гр., 583 пр.	2 430 943,60
38.	1416	Цепь+кулон; қолцо; қолцо; серьги; серьги, о.в. 19,62 гр., ч.в. 18,33 гр., 583 пр.	8 574 107,00
39.	1451	Серьга, о.в.1,80 гр., ч.в. 1,80 гр., 583 пр.	1 014 257,00
40.	1658	Қолцо, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,50 гр., 583 пр.	1 332 407,00
41.	1698	Серьги; серьги, о.в. 3,00 гр., ч.в. 2,78 гр., 585/583 пр.	1 326 082,38
42.	1741	Цепь, о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 583 пр.	1 256 657,00
43.	1747	Кулон, о.в. 3,49 гр., ч.в. 3,49 гр., 583 пр.	1 029 407,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
44.	1862	Қолцо; қолцо; серьги; қолцо; серьги 583 пр. о.в. 23,82 гр., ч.в. 20,02 гр., 583 пр.	9 220 605,98
45.	1867	Қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо, о.в. 14,86 гр., ч.в. 12,59 гр., 583 пр.	6 089 507,00
46.	1922	Қолцо, о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.	1 542 689,00
47.	2035	Қолцо, о.в. 4,87 гр., ч.в. 4,87 гр., 585 пр.	2 695 907,00
48.	2039	Қолцо; серьги, о.в. 10,06 гр., ч.в. 10,06 гр., 583 пр.	3 385 232,00
49.	2061	Қолцо; цепь+кулон, о.в. 11,78 гр., ч.в. 11,78 гр., 583 пр.	5 710 757,00
50.	2116	Цепь; қолцо; қолцо, о.в. 19,76 гр., ч.в. 19,06 гр., 583 пр.	8 907 407,00
51.	2210	Серьги; серьги, о.в. 7,48 гр., ч.в. 6,54 гр., 375 пр.	2 832 257,00
52.	2218	Серьги; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо; қолцо, 375 пр.; қолцо; қолцо; браслет; браслет, 583 пр., о.в. 51,86 гр., ч.в. 45,42 гр.	22 845 407,00
53.	2269	Қолцо; қолцо; қолцо; серьги; кулон; кулон, о.в. 25,28 гр., ч.в. 22,59 гр., 583 пр.	10 264 937,90
Жами бошланғич баҳоси			304 390 578,94

Аукцион савдолар 2024 йил 16 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 15 апрель куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2024 йил 16 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 30 апрель ва 15 май кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш кун аввал, соат 16.00 гача тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр-банк" Олмасор филилидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.

Телефон: 71-237-23-96.
Расмий сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.



"CLASSIC BUILDING COMMUNAL" –

аҳоли розилигига эришиб келмоқда

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида жойлашган 83 та кўп квартиралли уйга хизмат кўрсатувчи "Classic building communal" бошқарув сервис компанияси 2022 йилда ташкил этилган. Аммо туб ва асосий фаолият 2012 йилда бошланган. Аввалига ширкатларга қарашли кўп қаватли уйлارга турли маиший хизматлар кўрсатиш тизими ташкил қилинди.



Эскилар қабилида айтганда, доно чўл ўртасида бог курса, нодон бог урнини ҳам куруқ тупроққа айлантиради. Бу компанияни ташкил қилган Шавкат Саримсоқов ҳам ишнинг кўзини биладиган тадбиркор. Ииллар давомида тўпланган тажриба, тадбиркорлик қатъияти, ўзига бўлган ишонч ва самимиёт халққа сифатли сервис кўрсатадиган компанияни шакллантиришида асосий омил бўлди. Уз жамоасини қадрлаш, ходимларини бир жипс ҳолга келтириш ҳам осон эмас.

Бошқарув компанияси биносида аҳоли учун яратилган шароитлар, кўшимча сервис хизматлар ва тадбиркорлик фаолиятларини кўздан кечириб, иш тартиби тизимли ва замонавий йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик. "Classic building communal" БСК 2022 йилдан бун 60 та ертўладаги барча ички муҳандислик тармоқларини янгилаган. 62 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми тўлиқ таъмирланган. Шунингдек, 55 та марказий электр шит, 200 дан ортиқ кириш йўлакларини мукамал ҳамда 27 000 кв метр тош қисми жорий таъмирдан чиқарилган. Жамоа томонидан аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида 6 та замонавий болалар ўйингоҳи барпо этилди.

Шунингдек, компания таркибиде 40 га яқин кўшимча сервис хизматлар ҳамда 20 га яқин тадбиркорлик фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу ишларни амалга оширишда жамоа аъзоларининг ўрни катта. Уз ишига жиддий эътибор бериб, вазифини сидқидилдан бажарадиган ходимлар борки, раҳбар ўзини эркин ва кучли ҳис қилади. Қор ёғиб, шаҳарда баъзи ноқулайликлар бўлиб турган бир пайтда "Classic building communal" жамоаси ҳар доимгидек хотиржамлик билан ишлашда давом этапти. Бу ҳақда қўйида биз суҳбатлашган уч қаҳрамон тилидан батафсил билиб оламиз.

КОМПАНИЯНИНГ ДОНО ХОДИМИ

Ҳар бир оиланинг босиқ ва тадбирли бир аъзоси бўлганидек, жамоада ҳам сўзи ва қарорлари билан очим берадиган муҳим ходимлари бўлади. Компанияда илк тамал тоши қўйилганидан бун фаолият олиб бораётган Доно Ҳакимова ҳам шундай инсонлар сирасига кирди. Қандайдир муаммо ва очим талаб масала бўлса, албатта, у кишининг эшикларини тақиллаб келишида. Нигоҳларидан ўткир маъно англашладиган, инсонлар билан тўғри мулоқот қилишининг ҳадисини олган Доно

Ҳакимова компанияда бош ҳисобчи вази-фасини бажаради.

Қаҳрамонимиз 1975 йил Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида зиёли оила-да таваллуд топган. Ешлигидан чиройли тарбия ва муҳит таъсирида улғайган Доно ола фарзандларини ҳам отлар-булмаста қоймайди. Бу борада ота-онасининг ўғитларига қатъий амал қилади. Бу ҳақда опанинг ўзи шундай дейди:

– Отам шифокор бўлиб ишлагани учун шанба-якшанба кунлари жамоат транс-портида юришни одат тусига киритган эдидаги кибрни синдиришни кўзлаган, эди. Ҳалол ишлаш, ҳаётда инсонлик иззати-ни туширмаслик ҳақида кўп гапирарди. Онам эса дардни ҳеч кимга кўрсатмасли-гимизни кўп уқитарди. Шу сабаб, ҳозир ҳам бировага дардимни дoston қилишни эқтирмайман. Отанинг яна бир гапи ҳа-мом кўпоғимизда: "Одамларга бегараз ёр-дам бериш керак".

Бу ҳаётимда асосий амал қиладиган ўғитлар ҳисобланади. Шундан бўлса ке-рак, ўз меҳнатини баҳоламайман. Мао-шин учун тортишганимни эслолмайман, баъзан бошқа БСКлар бухгалтериясини юритишда кўмаклашишни сўрашади. Уларга ҳам шу гап – кўнгилдан чиқариб беришни айтаман. Ҳозир кўп ёшлар икки қадам босиб, қилган ишига ҳақ сўраша-ди, ўз ишларига ўзлари баҳо беришади. Молия институтини битириб, банкда ҳам ишлаганман, турмушга чиққач, коллежда бир муддат дарс бердим. 2012 йилга ке-либ, тақдирим шу жамоа билан боғланди. Нега бу соҳада эканлигимнинг асосий са-баби – одамлар билан қизғин ишлаш имко-нияти борлигидир. Ўзим ҳам чилангарлик қилишга қизиқаман. Агар хоҳласам бошқа жойда юқори маошга ишлашим мумкин. Аммо мен учун ўз жамоам, ишонданман қадри жой йўқ. Асосийси, қаерда кўпроқ фойдам, одамларга нафим тегса, ўша ерда ўзимни бахтли ҳис қиламан. Компания-мизда лицензион лифтер хизмати, альпин-истлар жамоаси ҳам бор. Деярли пудрат-чиларга мурожаат қилмай, ҳамма ишни ўзимни бажаришимиз фойдамизга ишлай-ди. Одам ҳаракатда бўлиб турса, омад ва муваффақият ўзи келади. Шу сабаб, бир мақсад қўйиб, унга қатъий ҳаракат қилиш, меҳнатдан қочмаслик керак. Бугунги за-мон ёшлари чет тилларини яқини били-ши, ўз устида тинмай ишлаши керак, деб ўйлайман. Шу сабаб фарзандларимнинг тил ўрганишига жиддий эътибор бераман. Энг ёмон кўрган нарсам кибр. У инсонга ҳурмат келтирмайди. Баъзан ишчиларга

менсимай муомала қилганларга қаттиқ гапирман. Чунки ҳеч ким ёмон муомалага лойиқ эмас.

Дарҳақиқат, Доно Ҳакимова билан суҳбатлашиб, кўп омилар инсоннинг ўзи-га боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. Минглаб китобларни жамлаган кутуб-хонаси борлиги, доимий китоблар ўқи-б юришни эшитиб, бу салоҳият ўз-ўзидан эмаслигига гувоҳ бўлдик. Ҳамкасблари-нинг айтишича, фарзандлари ҳам ўзига ўхшаб фикрлайди.

Бир сўз билан айтганда, интилувчан ва ҳалол ходимлар ҳар бир компаниянинг муваффақиятини белгилаб беради. Исми-жисмига монанд Доно Ҳакимованинг кел-гуси ишларига омад тиладик.

ТОЗАЛИК ПОСБОНИ

Бу дунёда инсоннинг баҳоси йўқ. Куч-дан қолиб, зўрга қадам босаётган қарияни ҳам, бозорда арава торган аравакашни ҳам уйда кимдир кутади. У кимгадир ке-рак. Унинг жонини сўрасанг, устидан тил-до сочсанг ҳам бермайди. Чунки у ҳам бир-ровнинг қадри инсониди.

Баъзан кўчаларни ифлос қилгани-мизда, уларни тозалаш, озода қиладиган инсонларни кўпам ўйлайвермаймиз. Су-пургисига қараймиз, оддий ва самимий чеҳрасига қараймиз. Баъзан захримизни сочиб, аламимизни индамайдиган одам-лардан оламиз. Бу тўғри эмас. Инсон ин-сонлиги учун азиз. Бир донишманд дегани-каби, "Одамлар бор устиде кийими йўқ, кийимлар бор ичиде одами йўқ. Инсонли-гимиз нима иш қилишимизга эмас, ўз иши-миз қандай қилишимизга боғлиқ. Биз-нингча, кўча тозаловчиси бўлиш уят эмас. Бу шараф ва савобли иш. Бугун "Classic building communal" БСКда кўп йилдан бун ховли тозаловчи вазифини ишлаб келаётган Жамила Тилланазарова ҳаётига ҳам бир кур назар ташлаймиз.

Жамила Тилланазарова 1979 йил Тош-кент вилоятининг Чиноз туманида тавал-луд топган. Ешлигидан меҳнатни севади, ҳаракатдан тўхташни эқтирмайди. Шу сабаб, аввалига бу касбни танлашга ик-киланган бўлса-да, кейинчалик қатъий қарор қилиб бу касб машаққатларини ўз-зиммасига олади. Қарий 12 йиллик фао-лияти давомида кўп одамларни кўрганни ҳикоя қилади. Биринчи "сен ҳам одамми" қа-билида иш тўтса, бери раҳмат айтганини, бирдан ранжиб бариға кўз юмганини, бир-да тўғри эътирофдан хурсанд бўлганини айтади. Энг муҳими, у оиласида, ишхона-

сида, умуман, ҳамма жойда тозалик бўли-шига катта аҳаният беради.

Касби ҳақидаги фикрларини унинг ўзи-дан эшитамиз:

– Тўғри, касбининг қийин томонлари бор. Биз сабр билан, ишимизни қилиб ке-таверамиз. Одамлар ҳар хил. Жамоамни, касбинини яқини кўраман. Раҳбарларимиз яқини. Баъзида кўнгил ранжийдиган хо-латлар ҳам бўлади. Баъзи одамлар жуда хунук муомала қилади. Шундай пайт-да кетиш хаёли миямни эгаллаб олади. Аммо эртасига ишга келишим билан ҳам-касбларимни кўриб фикрим ўзгаради. Бир нодон инсонни деб, шундай меҳрибон ҳамкасбларимни ташлаб кетишга кўзим қиймайди. Худого шукур қиламан, фар-зандларим бор. Бу йил каттамини тўйини қилиш ниятидаман. Инсон ҳалол меҳнат қилиши керак. Баъзан фарзандларим "Сизга нима етмайпти? Ишлаганг", деб қолишади. Аммо танамда кучим бор экан, ўзимни ўзим амаллаб, пенсияга чиққунча ишлашни хоҳлайман. Одам иш танламас-лиги керак, қийинчиликлари ҳамма ишда бўла-ди. Мана ҳозир қор, иш кўп. Аммо чарчаб ишлаш ўзимга ёқади...

Жамила опа камгап кўринса-да, яқ-шигина суҳбатдош экан. Ҳаёти дабдабали бўлса ҳам кўзларида самимийлик ва соддаликни кўриш мумкин. Ҳаётига шу-қро ва розилик билан қарайди. Асл бахт шу эмаски, аслида?! Тинмай меҳнат қилиб, кўп қаватли уйлар атрофини озода қи-ладиган тозалик посбонига ўзимизнинг са-мимий миннатдорлигимиз ва раҳматимиз-ни билдираемиз. Биз сизнинг ишингизни ва ҳаётингизни муҳим деб билаемиз. Демак, касбингиздан фохрлансангиз, арзийди.

"РАҲБАРЛИК ЗЕРИКАРЛИ ЭКАН"

БСКнинг яна бир малакали ходими Ҳасан Тўраевдир. Суҳбатимиз анча оддий ва самимий кечди. Ҳасан Тўраев "Classic building communal" бошқарув сервис компаниясида бош чилангар вазифини ишлайди. Суҳбатлашиш учун қаҳрамони-мизни хизмат жойидан чақириб олишга мажбур бўлдик.

Ҳасан Тўраев 1991 йил Жиззах вилоя-тининг Зомин туманида туғилган. Отаси ҳайдовчи бўлгани учун техникага, уларни сошлашга болалигидан қизиққан. Коллеж-ни битиргач, пойтахтга risks-у насбасини ишлаб келган. БСК раҳбари Шавкат Са-римсоқов забт кучга тўлган Ҳасан Тўраев-ни ўз ёнига олиб, соҳа сир-асорларини

ўрганишига имконият яратган. Интилув-чан қаҳрамонимиз қисқа вақт ичиде чи-лангарликни пухта ўрганишга эришади. Фаолияти давомида бир муддат БСК ра-бари сифатида ҳам иш олиб борган. Аммо раҳбарлик ўзига маъқул келмаганини ай-тади:

– Анча йиллик тажрибандан келиб чиқиб, 2017 – 2020 йилларда раҳбарлик ҳам қилиб кўрдим. Аммо раҳбар сифа-тида ишлаб, касбимдан роҳатланмадим. Раҳбарлик зерикарлик экан. Ҳаётимдан узоқлашгандек ҳис қилдим ўзимни. Чилангар бўлиб ишлаганимда одамларга яқинроқ эдим. Уларнинг муаммоларини тезда ҳал этишга ҳаракат қилардим. Хул-лас, ҳар дақиқам ҳаракатда ўтарди. Раҳ-бар эса асосан ҳужжатлар, югур-югурлар билан банд бўлиб қоларкан. Шу сабаб, чилангарликка қайтдим. Касбим ўзимга ёқади.

Эътибор қилган бўлсангиз, компания-ми хизмат кўрсатадиган ҳудуд тоза, озода. Ҳозир ишимизни анча йўлга қўйиб олдик. Эски темир турбаларни пластик турба-ларга алмаштириб, ертўларни таъмир-ладик. Шу боис, совуқ кунларда ҳам биз-да жуда жиддий муаммо чиқмайди. Иш тизимли йўлга қўйилгани учун аҳоли ҳам фаолиятимиздан рози. Шу пайтгача ҳеч ким ишимга эътироз билдирмаган. Худого шукур, оилам бор, уй-жой қилдим, фар-зандларим бор. Ҳалол меҳнатим билан рўзғор тебратяпман. Касбингизни яқини кўрсангиз, чарчамас экансиз. Боболари-миз айтгандай "Қимирлаган қир ошар". Ҳаракат қилган одам ҳамма мақсадига эришади. Ҳалол ишдан қўйини ташлаб ҳам барака бўлади. Касбимдан, ҳаётимдан розиман.

Ҳасан Тўраев компанияда ҳам, ўзи хизмат кўрсатадиган аҳоли орасида ҳам хурматга лойиқ инсон. Тўғрисузлик, дан-галчилиги, одамлар билан самимий му-лоқот қилиши туфайли ҳамнинг меҳри-ни қозонган. Қаҳрамонимизга нафақат совуқ кунларда, балки ҳамма вақт халқ хизмати адо қилишда чарчамасликни тилаймиз.

Шу билан "Classic building communal" бошқарув сервис компаниясига қилган сафаримиз ўз ниҳоясига етди. Хулоса қиладиган бўлсак, компания нафақат хо-дими танлашда, балки ишни тўғри йўлга қўйишда, бошқарув ва тадбиркорликда ҳам оқилона ишларни амалга ошир-ган. Шу боис, нафақат ҳудуд ободлиги-га, балки аҳоли розилигига ҳам эришиб келмоқда.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Озода Жўраева,
Қозим Туяганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат
Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).

E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 91-479-55-11.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Маҳанган вилояти: 97-847-30-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-341.
1763 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган кўлэмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли қоғоз этилишига
"Шарқ" наширёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" қўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – М. Ҳайдаров.

Ўза яқуни – 22.58.
Топшириди – 23.20.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил март ойининг 11-14 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Жамоатчилик билан алоқа-лар бўлими (ахборот хизматлари) етакчи мутахассиси **Зухра Эргашева**, Юридик таъминлаш бўлими бош юриконсулти **Фарҳод Эсанбоев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспек-цияси Кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ва коммунал хизматлар кўрсатилишини назорат қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Дониёр Абдуразақов**,

Техник меъёролаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти Мувофиқликни баҳолаш департамен-ти етакчи мутахассиси **Сардор Ҳазимбеков**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Жаҳонгир Обиджонов**, бўлими бошлиғи **Хусниддин Қорабаев**, "Қашқадарё" филиали директори **Фахриддин Тошев**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Қашқадарё филиали директори **Шоҳруҳ Хушмуродов**, йўл ва ҳудудларни муҳан-дислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими етакчи муҳандиси **Феруза Бабаханова**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Бош ре-жаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Бийсен Сапарбаев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мақсув ва архив ишлари бўйича бош мутахассис **Нозим Яҳёев**,

Жиззах вилояти Фориш тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Маҳмуд Эгамбердиев**,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Илдош Жумаев**, Қурилиш-синолаборато-рияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Баҳодир Мадатов**,

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги "Navoiy Biznes Fundament" МЧЖ БСК бош директори **Нарзулло Обитов**,

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги "Қараева сервис бошқарув" МЧЖ БСК бош директори **Ўғилбой Қораева**,

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Ангор-Бошқарув-Сервис" МЧЖ БСК бош директори **Зулайхо Ашурова**,

Сирдарё вилояти Мирзобод туманидаги "Ривожланиш коммунал сервис" МЧЖ БСК бош директори **Собиржон Элмуродов**,

Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Poletava Kommunal" МЧЖ БСК бош директори **Акрон Умарбоев**,

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Давр сервис ПБК" МЧЖ БСК бош директори **Шухрат Қодиров**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲРАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**